

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

ABDURAKHIM MANNONOV - TRANSLATOR AND ORIENTAL TRANSLATION STUDIES

Dr Khulkar V. Mirzakhmedova

Associate Professor, DSc

Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: translation, translator, Pashto literature, Afghan studies, artistic skills.

Received: 09.11.23

Accepted: 11.11.23

Published: 13.11.23

Abstract: The article expresses an opinion on the books published by the great Afghan scholar, doctor of philology, professor Abdurahim Mannonov during his translation career and his researches as a scholar of literature. As a result of these activities, Tashkent State University of Oriental Studies A. There is talk about the "Translation Studies" department opened by Mannonov's initiative.

АБДУРАҲИМ МАННОНОВ – ТАРЖИМОН ВА ШАРҚ ТАРЖИМАШУНОСЛИГИ

Хулкар В. Мирзахмедова

Доцент, DSc

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: таржима, таржимон, пашту адабиёти, афғоншунослик, бадиий маҳорат.

Аннотация: Мақолада йирик афғоншунос олим, филология фанлари доктори, профессор Абдураҳим Манноновнинг таржимонлик фаолияти давомида нашр этган китоблари ва адабиётшунос олим сифатида олиб борган тадқиқотлари юзасидан фикр билдирилган. Ушбу фаолиятлари натижаси сифатида Тошкент давлат шарқшунослик университетида А. Маннонов ташаббуси билан очилган “Таржимашунослик” кафедраси ҳакида сўз юритилади.

АБДУРАХИМ МАННОНОВ - ПЕРЕВОДЧИК И ВОСТОЧНЫЙ ПЕРЕВОДОЛОГ**Хулкар В. Мирзахмедова**

Доцент, DcS

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: перевод, переводчик, пуштанская литература, афганистика, художественное мастерство.

Аннотация: В статье выражено мнение о книгах, изданных великим афганским учёным, доктором филологических наук, профессором Абдурахимом Манноновым в период его переводческой деятельности и исследований в качестве литературоведа. В результате этой деятельности Ташкентский государственный университет востоковедения им. Говорят об открытии по инициативе Маннонова кафедры «Переводоведение».

Устоз Абдурахим Маннонов ҳар томонлама самарали раҳбарлик фаолиятлари билан бир қаторда, тиним билмас заҳматкаш илмий ходим, таржимон, ҳалқимизнинг ва шарқ ҳалқларининг инсоният маданий-маънавий ҳаётига қўшган улкан ҳиссасининг фавқулодда толмас тадқиқотчиси ва тарғиботчиси сифатида машхур бўлган аллома зот саналадилар.

“Бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилишнинг барча муаммоли масалалари – бадиийлик ҳосил қилиш, муаллиф услубини қайта яратиш, аслиятдаги миллий характер ва колоритни таржимада ишончли акс эттириш ва буларнинг сўз муаммоси билан таржима соҳасида яратилган ҳар қандай ҳажмдаги назарий ва амалий иш биринчи галда сўзни таҳлил қилиш билан чамбарчас боғлиқ ва булар, биринчи навбатда, дарс бераётган педагогларнинг малакаси ва салоҳиятига бевосита алоқадордир” – дёя таъкидланади мақолада.

Афғон эртак ва ҳикоятлари 1956 йилда тўлиқ рус тилидан таржима қилиниб чоп этила бошлаган. 1984 йили уларнинг бевосита пашту ва дарий тилларидан таржима қилинган “Афғон ҳалқ эртаклари” тўплами нашр этилди. Ушбу тўпламда А.Ғаниев ва Н.Маннонова томонидан пашту тилидан қилинган “Мард ва Номард”, “Шоду ва Бибо”, “Жалотхон ва Шамойла”, “Фатеҳхон Баретсай”, “Мусажон ва Валижон” каби эртак ва ҳикоятлар киритилган эди. 1986 йили унинг 60 минг нусхадан иборат иккинчи нашри ҳам босилиб чиқди.

2017 йилда нашрга тайёрланган “Афғон ҳалқ эртак ва ҳикоятлари” номли китобдан А.Маннонов, Н.Маннонова, А.Ғаниев ва А.Қуронбеков каби устозларимиз томонидан пашту ва дарий тилларидан она тилимизга бевосита таржима қилинган афғон ҳалқ эртак ва ҳикоятлари, латифалари намуналари ўрин олган. Тўпламдаги таржималар орқали ўзбек китобхонлари Афғонистон ҳалқларининг насрый оғзаки ижодиётида акс этган турмуш тарзи,

урф-одатлари, орзу-умидлари, ҳаётий кечинмалари, халқ қаҳрамонларининг у ёки бу қир-ралари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Тўпламдаги пашту тилидан таржима қилинган 60 га яқин эртак ва ҳикоят, аниқроғи халқ орасида машҳур, турли ҳажмдаги қаҳрамонлик, ҳаётий-маиший мазмундаги достонлар, сеҳр-жоду, ишқий-саргузашт ва ҳайвонлар ҳақидаги эртак ҳамда ҳикоятлар, фалсафий ва ҳикматли ҳикоятлар, ҳажвий-юмористик латифаларнинг асосий қисми Абдураҳим Маннонов қаламига мансубдир. Ўзига хос бадиий тизим, тасвир, композиция ва ҳикоя қилиш услубига асосланган эртак ва ҳикоятлар мисолида биз қўшни Афғонистон ҳалқларининг урф-одатлари, интилишлари, орзу-умидлари, одамийлик, инсоф, севги-муҳаббат, вафо-садоқат ҳақида кенг тасаввурга эга бўламиз.

Эртак ва ҳикоятлар таржимасининг бадиий савиясини ўрганиш алоҳида тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Таржиманинг вазифаси сўз ва гапнинг маъносини тўғри беришгина эмас, балки, муаллиф услубининг ички энергиясидан келиб чиқадиган энг нозик хусусиятлар: бадиий оҳанг, сўз, ҳаракат ва сўзлар тизмасининг замирида яшириниб ётган семантик ҳодисани, ҳар муаллифнинг сўз танлаш ва жумла қуриш борасидаги ўзига хос услуби, бадиий асарнинг энг муҳим хоссаси бўлган образлилик, ҳар бир товуш, нуқта ва вергулнинг бадиий функциясини билиб, тўғри ишлатишдан иборат. Дарҳақиқат, яхши таржимон асарни шунчаки ўтирумайди, унинг имкониятлари анча кенг: у бир лисоний тафаккурни бошқа лисоний тафаккурга айлантиради. Нафақат фикр аниқлиги, балки оҳанг, маром, яъни бадиий асарга эмоционал тус бериб, бир мураккаб тил тизимидан бошқа бир мураккаб тил тизимиға кўчиради. У нафақат биргина сўз ёки жумла, балки ҳар бир боб, ҳатто муаллифнинг шу асарини унинг бошқа асарларидан фарқлайдиган томонлар, баъзан эса улар орасидаги услубий боғлиқликларни тушуниши ва қалдан ҳис этиши лозим. Бу бадиий маҳорат асарда ёритилган вақеликни илғай олиш ва кенг мушоҳада этиш, уни образлар воситасида экс эттириш, адабиётнинг ғоявий-бадиий воситалари, уларни илмий асосда таҳлил қила олиши, луғат таркибидаги турли қатламлар ва адиблик санъатининг қудратли қуроли бўлмиш сўзнинг барча нозик маъно жилваларини сеза олиш қобилиятида намоён бўлади. Келгусида домланинг ҳамма қўлланмалари жамланиб бир неча жилдлик мажмуа шаклида нашр этилса, талабалар, магистрантлар ва мутахассислар, ёш ўқитувчилар учун фойдали бўлур эди.

“Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси бугунги кунда Тошкент давлат университетининг энг кўзга кўринган, илғор, илмий салоҳияти энг юксак кафедраси ҳисобланади. Ўзбекистонда шарқ тиллари бўйича кўп киррали таржимонлар етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур кафедра 2011 йил июнь ойида собиқ Тошкент давлат шарқшунослик институтида “Таржима назарияси ва амалиёти” номи билан институт ректори

Абдураҳим Манноновнинг ташаббуси ва маҳсус буйруғига асосан ташкил этилган эди. Юқори малакали таржимон мутахассисларни тайёрлашда мавжуд бўлган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш университет олдига қўйилган вазифаларнинг муҳим қисми ҳисобланиши, аввало, шарқ тилларини биладиган ва таржимашунослик фанларидан дарс берадиган салоҳиятли профессор-ўқитувчилар—нинг етишмаслиги муаммоси ва унга ечим топишни кун тартибига қўйган мазкур кафедра бугунга келиб республиканинг соҳа бўйича етакчи таълим масканига айланди.

Мана бугунга келиб Абдураҳим Маннонов асос солган кафедра очилганига ҳам салкам 12 йил бўлади (ҳозирги номи “Таржимашунослик ва ҳалқаро журналистика”). Ўтган давр мобайнида кафедрада ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” тизими бўйича амалга оширилган ишлар, кафедрада ҳозирда меҳнат қилаётган ва ўтган 12 йил давомида ишлаб кетган профессор-ўқитувчилар ҳақидаги маълумотлар, кафедра илмий салоҳиятининг ўсиши, бу ерда нашр этилган ўқув ва илмий адабиётлар рўйхати, кафедра таълим йўналишлари ва мутахассисликларида ўқитилаётган ихтисослик, умумкасбий ва танлов фанлари ҳақидаги маълумотлар жамланса, каттагина китоб бўлади. Ушбу кафедранинг юзага келиши, шаклланиши ва республикада таржимашунослик марказига айланишида проф. Абдураҳим Муталовичнинг буюк хизматлари бор, десак муболага бўлмайди...

Ўқув ва илмий фаолияти, таълим йўналишлари бевосита таржимачилик, таржимашунослик, синхрон таржима ҳамда ҳалқаро журналистика, бундан ташқари 10 дан ортиқ шарқ тилларини асосий шарқ тили сифатида ўрганиш билан боғлиқ бугунги “Таржимашунослик ва ҳалқаро журналистика” кафедрасининг таржимон ва таржимашунос кадрларни тайёрлаш бўйича Ўзбекистоннинг етакчи марказига айланишига ўз кучи, билими, ғайрат-шижоати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган профессор-ўқитувчилар А.Манноновни ўзларининг устозлари деб биладилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Mannonov, A. M., & Ochilov, B. E. (2013). Uzbekistan's participation in the process of Renovation of the Silk Road. *Mayak Vostoka*.–T.: ToshDSHI, (1-2), 43.
2. Маннонов, А. (2021). Образование—ключевой фактор развития государства и безопасности страны. Интервью министра образования и науки Республики Таджикистан Мухаммадюсуфа Имомзода. *Народная газета*, -2021.-26 августа.
3. Mannonov, A. (2016). Prisoner's mother demands compensation from penitentiary department for her son's death. *Asia-Plus online of March*, 17.
4. Mannonov, A. M. (2013). Ochilov BE The Rise of significance of transport communications of Uzbekistan within the process of Silk Road Renovation. *Buyuk Ipak yo 'lining o 'tmishi va hozirgi kuni: rivojlanishining ijtimoiy-madaniy, tarixiy, siesiy va iqtisodiy yo 'nalishlari: xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to 'plami*, Toshkent sh, 25, 13.

5. Куронбеков, А., Маннонов, А., & Имомназаров, М. (2012). ва б. Алишер Навоийнинг "Хайрат ул-аббор" достони конкорданси.-Т.: "Фан ва технологиялар". Т.: "Фан ва технологиялар, 608.
6. Маннонов, А. (1992). Подготовка студентов педвуза к использованию идей народной педагогики в нравственном воспитании детей. Автореф. дисс. канд. педагогических наук. М., 1992.-17 с. Автореф. дисс. канд. педагогических наук. М.
7. Маннонов, А. (1983). Учитесь беречь время: В помощь первокурснику.
8. Маннонов, А. Я китайский бы выучил только за то...
9. Маннонов, М. М., & Касимова, М. Д. (2023). КИТАЙСКИЕ ПОСЛОВИЦЫ И ПОГОВОРКИ О ДРУЖБЕ И ВЕРНОСТИ. In *Приоритеты социально-гуманитарных наук в условиях глобализации* (pp. 8-11).
10. Маннонов, М. А. (2022). ИСЛОМ ВА АФГОН ЁЗУВИ РИВОЖЛАНИШИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ ШАРТЛАРИ. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(10), 236-238.
11. MANNONOV, A. (2022). SARUKAIS. *Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental Studies*, (01), 1-2.
12. Mannonov, Abdurahim, Hamidov, Xayrulla BEBAHO XAZINA ("Turkiy adabiyot durdonalari" tilimizda) // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28.
13. Mannonov, Abdurahim UYG'ONAYOTGAN ADABIYOT // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28.
14. Маннонов, А. (2021). Юксак салоҳиятли ташкилотчи ва раҳбар. *Восточный факел*, 1(1), 3-13.
15. Маннонов, А. (2020). БЗ Холидов–афғоншунос. *Восточный факел*, 1(1), 69-71.
16. Маннонов, А. (2020). Ўзбекистонда шарқшунос мутахассислар тайёрлашнинг юрик маркази. *Востоковедения*, 1(1), 5-27.
17. Маннонов, А. (2019). Жанр «ландей» и его поэтические особенности в афганском фольклоре. *Востоковедения*, 1(1-2), 4–20.
18. Маннонов, А. (2017). О романтике и романтических сказках в афганском (пуштунском) народном творчестве. *Востоковедения*, 3(3), 66–83.
19. Маннонов А. Шарқшунослик масалалари. Вопросы востоковедения. – Тошкент: "Фан", 2022. – Б.45.
20. Афғон халқ эртаклари. Тошкент, Радуга, 1986.
21. "Афғон халқ эртак ва ҳикоятлари" (тузувчи, тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи, филология фанлари доктори, профессор А.Маннонов). Тошкент, ТДШИ. – 2017. – 280 б.

22. Саломов F. Таржима санъати, мақолалар тўплами. – Тошкент: 1973. –Б.57.